

*МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ОСЛО ТАВСИЯЛАРИ ВА ИЗОҲЛАР*

1998 йил февраль

***МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ОСЛО ТАВСИЯЛАРИ ВА ИЗОҲЛАР***

1998 йил февраль

Ушбу китобчадан нусха кўчиришингиз мумкин; манба кўрсатилса миннатдор бўлардик. Китобчанинг асл нусхаси инглиз тилида "Этник Гуруҳлараро Муносабатлар Жамғармаси" томонидан тайёрланган ва чоп этилган. ISBN 90-7598904-0

Қўшимча маълумот учун:

Лойиҳа гуруҳи

Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссар Идораси
Office of the High Commissioner on National Minorities

Prinsessegracht 22

2514 AP The Hague

Tel: +31 (0)70 312 5500

Fax: +31 (0)70 363 5910

E-mail: hcnm@hcnm.org

www.osce.org/hcnm/

КИРИШ

Ўзининг 1992 йил июль ойидаги Хельсинки Қарорларига мувофиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Миллий озчиликлар бўйича Бош Комиссар лавозимини «можароларни имкон қадар эрта босқичида олдини олиш воситаси» сифатида жорий этди. Бу лавозим асосан собиқ Югославиядаги вазият Европанинг бошқа бурчакларида, айниқса демократияга ўтиш даврида бўлган давлатларда такрорланиши мумкинлиги, ва давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан 1990 йил ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартиясида кўзда тутилган тинчлик ва фаровонлик истиқболларига хавф туғдириши эҳтимоллиги туфайли жорий этилди.

1993 йил 1 январда жаноб Макс Ван дер Стул биринчи ЕХХТ Миллий озчиликлар бўйича Бош Комиссари (МОБК) вазифаларини бажаришга киришди. Ўзининг собиқ парламент аъзоси, Нидерландия ташқи ишлар вазири, БМТда Доимий Вакил, ва узоқ вақт давомидаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси тажрибасига таяниб, жаноб Ван дер Стул ўз эътиборини Европада озчиликлар ва марказий ҳукуматлар орасида, унинг фикри бўйича кучайиши мумкин бўлган кўпгина баҳсларга қаратди. Дипломатик воситалар орқали бешовқин ҳаракат қилиб, МОБК ўндан ошиқ давлатлар, жумладан Албания, Хорватия, Эстония, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, собиқ Югослав Македония республикаси, Руминия, Словакия ва Украина билан ишлай бошлади. Унинг фаолияти асосан бир давлатда сони бўйича кўпчиликини, лекин бошқа давлатда озчиликни ташкил қилувчи миллий-этник гуруҳларга тегишли шахслар аралашган ва ҳар бир давлат ҳукумати манфаатларига доир бўлиб, давлатлараро кескинликлар, ҳатто можаро манбаси бўлиши мумкин вазиятларга қаратилган. Дарҳақиқат, бундай кескинликлар Европа тарихини кўп жиҳатдан белгилаб ўтган.

Миллий озчиликлар аралашган кескинликларнинг моҳияти ечимида, МОБК ушбу масалаларга мустақил, холис ва ҳамкор қатнашчи сифатида ёндашади. МОБК назорат механизми бўлмаса ҳам, барча аъзо давлат қўшилган халқаро

стандартлардан ўз асосий таҳлил қамрови ва махсус тавсияларининг асоси сифатида фойдаланади. Бу жиҳатдан барча ЕХХТ қатнашчи-давлатлари олган, айниқса 1990 йилги Инсоний мезонлар бўйича Анжуман Копенгаген Хужжатининг 4-қисмида миллий озчиликларга доир стандартларни тафсилотлари билан ифодаловчи мажбуриятларни эслаб ўтиш муҳимдир. Барча ЕХХТ давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари, жумладан, озчиликлар ҳуқуқларига оид мажбуриятларини бажаришга масъул, ЕХХТ давлатларининг аксарияти Европа Кенгаши стандартлари олдида ҳам масъулдир.

Беш йилдан зиёд қизғин фаолият давомида МОБК ўзи шуғулланувчи қатор давлатларда такрор кўтарилиб, эътиборини жалб этган муайян масала ва мавзуларни аниқлади. Миллий озчиликларнинг лисоний ҳуқуқлари, яъни миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўз тилидан хусусий ва ижтимоий соҳаларда фойдаланиш ҳуқуқи мана шундай масалалардандир. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ушбу ҳуқуққа турли тарафлардан ёндашади. Бир томондан, тил ўзига хослик билан чамбарчас боғлиқ шахсий масаладир. Бошқа томондан, тил ижтимоий тузумнинг жуда муҳим воситаси бўлиб, у кўп вазиятларда ижтимоий аҳамият касб этиб бормоқда. Тилдан фойдаланиш, шубҳасиз, давлат фаолиятининг кўпдан-кўп жиҳатлари билан боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларга амал қилинадиган демократик давлатда мавжуд тафовутлар учун шарт-шароит яратиб бериш шу тариқа сиёсат ва ҳуқуқшуносликнинг муҳим масаласига айланиб қолмоқда. Зарур мувозанатга эришолмаслик этник гуруҳлар ўртасида кескинлик манбаи бўлиб қолиши мумкин.

МОБК ана шуларни назарда тутган ҳолда, 1996 йилнинг ёз ойларида Этник гуруҳлар ўртасидаги Муносабатлар Жамғармасига мурожаат қилиб, халқаро миқёсда тан олинган мутахассисларнинг кичик бир гуруҳидан ЕХХТга аъзо давлатлар ҳудудида миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг лисоний ҳуқуқларини тегишли даражада ва изчил қўллашга доир тавсиялар олишини сўради. ***Миллий Озчиликларнинг Таълим Ҳуқуқлари бўйича Гаага Тавсиялари ва Изоҳларнинг*** ишлаб

чиқилганлиги МОБК илгари қилган шундай илтимосининг натижасидир¹. Гаага тавсиялари таълим соҳасида миллий озчиликларнинг тили ва тилларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилганлиги сабабли бу масалани экспертлар таҳлил қилувчи масалалар доирасидан чиқариб ташлашга қарор қилинди.

МОБКга ёрдам учун махсус ишларни бажариш мақсадида 1993 йилда ташкил этилган ноҳукумат ташкилот — Этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар Жамғармасига тегишли ҳар хил фанлар соҳасида экспертларнинг бир қатор кенгашларига, шу жумладан Ослодаги иккита ва Гаагадаги битта кенгашга кўмаклашди. Кенгашларда иштирок этган экспертлар орасида халқаро ҳуқуқ соҳасида ихтисослашган юристлар, шунингдек тилшунослар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва миллий озчиликларнинг аҳволи ва эҳтиёжлари соҳасида ихтисослашган сиёсатшунослар бор эди. Экспертлар таркиби қуйидагича:

Профессор Гудмундур Альфредссон, ҳамдиректор, Рауль Валленберг Институти (Швеция), профессор Асбьерн Эйде, катта ходим, Инсон ҳуқуқлари бўйича Норвегия институти (Норвегия); Анжелита Каменска хоним, катта илмий ходим, Латвия Инсон Ҳуқуқлари ва Этник Тадқиқотлар Маркази (Латвия); жаноб Доналл О’Риагэйн, Бош Котиб, Европа Кам Фойдаланиладиган Тиллар Бюроси (Ирландия); Беата Слидал хоним, маслаҳатчи, Норвегия Ифода этиш Эркинлиги Форуми (Норвегия); доктор Мигель Струбелл, директор, Каталония ижтимоий тилшунослик Институти, Каталония провинцияси (Испания); профессор Георги Сцепе, Янош Панониус университети тилшунослик факультети (Венгрия); профессор Патрик Торнберри, юридик факультет, Киль Университети (Буюк Британия); доктор Фернанд де Вареннес, инсон ҳуқуқлари ва этник можароларнинг олдини олиш Осие-Тинч океани маркази директори (Австралия); профессор Бруно де Витте,

¹ Миллий озчиликни ташкил этувчи халқларнинг таълим олиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Гаага тавсияларининг ва Изоҳларининг (1996 октябр) нусхалари бир неча тилларда Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссар Идорасида мавжуддир.

Маастрихт университети юридик факультети (Нидерландия); жаноб Жан-Мари Ворлинг, Маҳаллий эльзас-мозель ҳуқуқи Институти (Франция).

Модомики, миллий озчиликларнинг ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд меъёрлар инсон ҳуқуқларининг бир қисми экан, давлатлар томонидан инсоннинг барча бошқа ҳуқуқларига, шу жумладан, хусусан, тенглик ва камситмаслик, ўзини ифодалаш эркинлиги, йиғилиш ва уюшиш эркинлиги, шунингдек миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши маслаҳатлашувларнинг асосий ғоялари бўлди.

Яна инсоннинг барча ҳуқуқларининг пировард мақсади тенглик шароитида инсон шахсини тўлиқ ва эркин ривожлантиришни таъминлаш эканлиги кўзда тутилди. Сўнг, фуқаролик жамияти очиқ ва ҳаракатчан бўлиши ва, шу тариқа барча фуқароларни, шу жумладан миллий озчиликларга мансуб шахсларни бирлаштириши кераклиги назарда тутилди. Тилдан фойдаланиш моҳиятан мулоқот ўрнатиш масаласи бўлганлиги боис, инсоний тажрибанинг катта ижтимоий аҳамияти ҳам тўла-тўқис кўзда тутилди.

Натижада пайдо бўлган Миллий Озчиликларнинг Лисоний Ҳуқуқлари бўйича Осло Тавсияларида одатда МОБК жалб этилган вазиятларда қўлланиладиган миллий озчиликлар лисоний ҳуқуқларининг моҳиятини нисбатан оддий тилда аниқлаштиришга уринилган. Бундан ташқари, мазкур меъёрлар қўлланиш вақтида уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, деб талқин қилинади. Тавсиялар кичик бўлимларга бўлинган бўлиб, уларда амалдаги тилга боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади. Тавсиялар уларга илова қилинган Изоҳларда батафсилроқ тушунтириб берилган, унда тегишли халқаро меъёрларга муайян ҳаволалар берилган. Ҳар бир Тавсия Изоҳларнинг тегишли бандлари билан бирга ўқилиши назарда тутилган.

Мазкур Тавсиялар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг лисоний, айниқса ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари самарали

ижросига ҳисса қўшувчи қонунларни ва давлат сиёсатини ривожлантириш учун фойдали маълумотнома бўлади деган умид билдирилади.

Гарчи мазкур Тавсиялар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг тилидан фойдаланишга тааллуқли бўлсада, шунини таъкидлаш керакки, ушбу Тавсиялар ва уларнинг асосини ташкил этган халқаро ҳужжатлар шиддати бошқа тоифадаги озчиликларга тўла-тўқис қаратилиши мумкин. Қуйидаги Тавсиялар мавжуд ҳуқуқларнинг асосий қисмини аниқлаштириши лозим. Улар бирон-бир шахс ёки бирон-бир шахслар гуруҳининг ҳуқуқларини чеклашга мўлжалланган эмас.

1998 йил февраль

МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСЛО ТАВСИЯЛАРИ

НОМЛАР

- 1) Миллий озчиликларга мансуб шахслар ўз анъаналари ва лисоний тизимларига мувофиқ ўз тилларида ўз шахсий номларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Улар расман эътироф этилиши ва давлат ҳокимияти органлари томонидан қўлланилиши керак.
- 2) Шу тариқа, миллий озчиликларга мансуб шахслар тузган маданий уюшмалар ва корхоналар сингари хусусий ташкилотлар ҳам ўз номларига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлиши зарур.
- 3) Миллий озчиликларга мансуб шахслар зич истиқомат қилувчи ҳудудларда ва етарли эҳтиёж бўлган тақдирда, давлат ҳокимияти органлари маҳаллий номлар, кўчаларнинг номлари ва аҳоли учун бошқа топографик кўрсаткичларни миллий озчиликлар тилида ҳам жойлаштириш учун чора-тадбирлар кўриши лозим.

ДИН

- 4) Ўз динига якка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда эътиқод ва амал қилишда, ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган тил(лар)дан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- 5) Фуқаролик мақомига тааллуқли ёки мазкур давлатда юридик кучга эга бўлган диний маросимлар ва ҳужжатларга нисбатан Давлат шундай мақомга тааллуқли сертификатлар ва ҳужжатлар расмий тилда ёки давлат

тилларида тузилишини талаб қилиши мумкин. Давлат фуқаролик ҳолати ёзувлари диний ҳокимият вакиллари томонидан расмий тилда ҳам ёки давлат тилларида ҳам олиб борилишини талаб қилиши мумкин.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

- 6) Барча шахслар, шу жумладан миллий озчиликларга мансуб шахслар ўз нодавлат ташкилотлари, уюшма ва муассасаларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ташкилотлар ўзи ҳоҳлаган тил(лар)дан фойдаланиши мумкин. Давлат тил масаласига асосланиб, бундай ташкилотларни камситиши, шунингдек бундай ташкилотларнинг давлат бюджетидан, халқаро манбалардан ёки хусусий сектордан молия манбаларини излаш ҳуқуқини ноқонуний тарзда чеклаши мумкин эмас.
- 7) Агар давлат бошқа соҳалар қатори ижтимоий, маданий ва спорт соҳаларидаги фаолиятни фаол қўллаб-қувватлаётган бўлса, давлат ажратган барча ресурсларнинг адолатли улуши миллий озчиликларга мансуб шахслар амалга ошираётган шунга ўхшаш фаолиятни қўллаб-қувватлашга сарфланиши лозим. Миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг тилида (тилларида) бундай соҳаларда амалга оширилаётган фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш камситмаслик асосида бўлиши керак.

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

- 8) Миллий озчиликларга мансуб шахслар миллий озчиликлар тилида ўз оммавий ахборот воситаларини тузиш ва юргизиш ҳуқуқига эгадир. Телерадиохизматларнинг давлат томонидан тартибга солиниши холислик ва камситмаслик мезонларига асосланиши ҳамда миллий озчиликлар ҳуқуқларидан

фойдаланишни чеклаш мақсадида ишлатилмаслиги керак.

- 9) Миллий озчиликларга мансуб шахслар давлат молиялайдиган оммавий ахборот воситаларида ўз тилларидаги дастурлар учун эфир вақтига эга бўлиши керак. Миллий озчиликлар миллий, ҳудудий ва маҳаллий даражаларда мазкур озчилик тилида дастурлар учун ажратилган эфир вақтининг ҳажми ва сифати миллий озчиликлар сони ва зичлигига мутаносиб бўлиши, унинг ҳолати ва эҳтиёжларига мос келиши керак.
- 10) Жамоат ва хусусий ахборот воситаларининг миллий озчиликлар тилида (тилларида)ги дастурларининг мустақил руҳи ҳимояланиши керак. Дастурларнинг мазмуни ва йўналишини кузатиб борувчи жамоат ахборот воситаларининг муҳаррирлик кенгашлари мустақил бўлиши ва таркибида миллий озчиликларга мансуб мустақил мавқедаги шахслар бўлиши зарур.
- 11) Хорижий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ножоиз тарзда чекланмаслиги керак. Бундай фойдаланиш мазкур озчиликлар истиқомат қилувчи жойларда давлатнинг бюджетдан молияланувчи оммавий ахборот воситаларида озчилик учун ажратилган эфир вақти камайтирилишини оқламаслиги керак.

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

- 12) Барча шахслар, шу жумладан, миллий озчиликларга мансуб шахслар ўзлари танлаган тил ёки тилларда хусусий тадбиркорликни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ходимлар ёки истеъмолчиларни ҳимоя қилишга боғлиқ ёки корхона билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларда жамоатчиликнинг қонуний манфаатлари мавжуд бўлган тақдирдагина давлат расмий

тилдан ёки давлат тилларидан қўшимча равишда фойдаланишни талаб қилиши мумкин.

МАЪМУРИЙ ҲОКИМИЯТ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТЛАРИ

- 13) Миллий озчиликлар кўп сонда истиқомат қилувчи минтақа ва жойларда ҳамда шундай истак билдирилган ерларда миллий озчиликларга мансуб шахслар ҳудудий ва/ёки маҳаллий давлат муассасаларидан фуқаролик ҳужжатларини ва сертификатларни ҳам расмий тилда ёки давлат тилларида ҳамда мазкур миллий озчиликлар тилида олиш ҳуқуқига эгадир. Шу тариқа ҳудудий ва ёки маҳаллий расмий муассасалар тегишли фуқаролик реестрларини миллий озчиликлар тилида ҳам олиб бориши лозим.
- 14) Миллий озчиликларга мансуб шахслар маъмурий органлар билан муносабатларда ўз тилларидан фойдаланиш учун, айниқса улар шундай истакни билдирган ва улар кўп сонли минтақалар ва жойларда, тегишли имкониятга эга бўлиши керак. Шу тариқа маъмурий органлар, имкони бўлган жойларда, миллий озчиликлар тилида жамоат хизмати кўрсатиши лозим. Улар шу мақсадда ишга ёллаш ва/ёки ўқитиш юзасидан тегишли сиёсат ва дастур қабул қилиши керак.
- 15) Миллий озчиликларга мансуб шахслар кўпроқ жойлашган минтақа ва жойларда ҳудудий ва маҳаллий давлат органларининг сайланган аъзолари ўз фаолиятида миллий озчиликлар тилидан ҳам фойдаланилишини таъминлаш учун чора-тадбирларини давлат кўриши керак.

МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ МУАССАСАЛАР

- 16) Миллий озчиликларга мансуб шахслар истиқомат қилувчи давлатлар, бу шахслар ўз лисоний ҳуқуқлари

бузилган деб ҳисоблаган ҳолларда тегишли суд органлари билан бир қаторда, омбудсман ёки инсон ҳуқуқлари комиссиялари сингари мустақил миллий муассасаларга мурожаат қила олишини кафолатлаши лозим.

СУД ОРГАНЛАРИ

- 17) Барча шахслар, шу жумладан, миллий озчиликларга мансуб шахслар ўзининг қамоққа ва/ёки қўлга олиниши сабаблари тўғрисида ва ўзига қарши ҳар қандай айбловнинг хусусиятлари ва асоси ҳақида ўзи тушунадиган тилда тез хабардор бўлиш, ҳамда ўзини шу тилда ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда судгача, суд вақтида ва апелляция жараёнида таржимоннинг бепул ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.
- 18) Миллий озчиликларга мансуб шахслар зич яшайдиган минтақа ва жойларда ҳамда миллий озчиликларга мансуб шахслар айна шундай бўлишини истаган ҳолларда, улар суд жараёнлари давомида ўз тилида, зарур ҳолларда таржимоннинг бепул ёрдами билан фикрини ифодалаш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.
- 19) Миллий озчиликларга мансуб шахслар зич яшайдиган минтақа ва жойларда ҳамда миллий озчиликларга мансуб шахслар айна шундай бўлишини истаган ҳолларда, давлат бундай шахсларга дахлдор бўлган суд жараёнларини ана шу озчиликнинг тилида амалга ошириш имкониятига тегишли даражада аҳамият бериши зарур.

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ

- 20) Жазо ўташ муассасасининг раҳбари ва шу муассасанинг бошқа ходимлари маҳбусларнинг кўпчилиги тилида ёки тилларида ёки уларнинг аксарияти тушунадиган тилда

сўзлаша олишлари шарт. Ишга ёллаш ва/ёки ўқитиш дастурлари ана шу мақсадга эришишга қаратилган бўлиши керак. Зарур бўлган жойларда таржимоннинг хизматидан фойдаланилиши керак.

- 21) Қамоққа олинган миллий озчиликларга мансуб шахслар маҳбуслар билан, шунингдек бошқа шахслар билан муносабатларда ўзлари истаган тилдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Агар имкони бўлса, маъмурлар қонунда белгилаб берилган доирада маҳкумларга ўз тилларида ҳам оғзаки, ҳам шахсий ёзишма орқали мулоқотда бўлиш имкониятини кафолатловчи чоратадбирларни қабул қилишлари керак. Шу муносабат билан қўлга олинган ёки қамоққа олинган шахс ўзининг одатдаги яшаш жойи яқинида ҳибсда ёки қамоқда сақланиши керак.

МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСЛО ТАВСИЯЛАРИГА ИЗОҲЛАР

УМУМИЙ КИРИШ

Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларациясининг 1-моддасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча стандартлар негизидаги асосий тушунча сифатида барча кишиларга хос бўлган қадрият тўғрисида айтилади. *Декларациянинг* 1-моддасида шундай деб таъкидланади: «Барча кишилар эркин, ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқлари борасида тенг бўлиб туғилишади». Ушбу модданинг нақадар муҳимлигини баҳолаб бўлмайди. Бу модда умуман инсон ҳуқуқларига тааллуқлигина эмас, шу билан бирга миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг лисоний ҳуқуқларининг асосларидан бирини таъминлайди. Қадр-қиммат ва ҳуқуқлардаги тенглик шахснинг инсон сифатида ўзига хослигига нисбатан ҳурматни кўзда тутаяди. Тил инсон ўзига хослигининг энг асосий таркибий қисмларидан биридир. Шу сабабли инсон қадрига ҳурмат инсоннинг ўзига хослигига нисбатан ва бинобарин, унинг тилига нисбатан ҳурмат билан чамбарчас боғлангандир.

Бу ўринда *Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома* катта аҳамият касб этади. *Шартноманинг* 2-моддасида давлатларга нисбатан ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи ва юрисдикцияси остида бўлган барча индивидларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши ва «масалан... тил каби хусусиятга кўра бирон-бир чеклаб қўйишларсиз» ҳурмат қилинишини таъминлаш талаби қўйилган. *Шартноманинг* 19-моддасида фикрни ифодалаш эркинлиги кафолатланган, бу эса *Шартномада* таърифлаб берилганидек, чегараларга қарамай, ҳар қандай турдаги ахборот ва ғояларни бериш ёки олиш ҳуқуқини кафолатлабгина қолмай, шу билан бирга бу ишни ўзи танлаган восита ёки тил орқали амалга ошириш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Ахборотни тарқатиш ва олиш ҳам одамларнинг биргаликдаги ҳаракатларини кўзда тутаяди. Бу жиҳатдан,

Шартноманинг тинч йиғилиш ўтказиш ва уюшиш эркинлигини кафолатловчи 21- ва 22-моддалари айниқса ўринлидир.

Шу тариқа Европада, **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенцияси** 10-моддасида белгиланган фикр ифодалаш эркинлиги худди шу Конвенциянинг 14-моддасига мувофиқ «...тил сингари.. бирон бир асосга кўра камситилишсиз таъминланади». Ҳам **Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларациясига**, ҳам **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясига** яққол таянган ҳолда, Европа Кенгаши қабул қилган **Фикр Ифодалаш ва Ахборот Эркинлиги Декларацияси** шуни тасдиқлайдики, «фикрни ифодалаш ва ахборот эркинлиги ҳар бир инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун зарурдир ва ижтимоий ҳамда маданий гуруҳларнинг, миллатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг уйғун тараққиёти учун шарт-шароитни яратиб беради». Шу муносабат билан **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенцияси** 11-Моддасида кафолатланган тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар эркинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) талқинидаги худди ўша фикрни ифодалаш, йиғилиш ва уюшиш эркинлигининг асосий ғоялари **ЕХҲТ Инсоний Мезонлар тўғрисидаги Конференцияси Копенгаген Кенгаши Ҳужжатининг** 9.1-9.3-бандларида тилга олинган.

ЕХҲТ қатнашчи давлатларнинг ҳукумат ва давлат бошлиқлари **Янги Европа учун Париж Хартияси**да шуни тасдиқлайдиларки, «ҳар бир инсон, ҳар қандай камситилишсиз, ...фикрни ифодалаш эркинлиги, уюшиш ва тинч йиғилишлар... ўтказиш эркинлиги ҳуқуқига эгадир».

Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг 27-моддаси миллий озчиликларнинг лисоний ҳуқуқларига бевосита тааллуқли банддир. Ушбу моддага кўра

«миллий озчиликларга мансуб шахсларга уларнинг гуруҳидаги бошқа аъзолар... билан биргаликда ўз тилларидан фойдаланиш ҳуқуқини рад этиш мумкин эмас».

Худди шу тарзда **Миллий ёки Этник, Диний ва Лисоний Озчиликларга мансуб Шахсларнинг Ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Декларацияси** 2(1)-Моддаси миллий озчиликларга мансуб шахсларга «ўз тилларидан шахсий ва ижтимоий ҳаётда эркин ва монеликсиз ёки бирон-бир турдаги камситишсиз фойдаланиш» ҳуқуқини эълон қилади. Европа Кенгаши қабул қилган **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциясининг** 10(1)-Моддасида айтилишича, давлатлар миллий озчиликлар «ўз озчиликлар тилидан оғзаки ва ёзма тарзда шахсий ва ижтимоий ҳаётда эркин ва монеликсиз фойдаланиш» ҳуқуқини тан олишади.

Гарчи ҳужжатлар миллий озчиликлар тилларидан шахсий ва ижтимоий ҳаётда фойдаланилишга тааллуқли бўлсада, ўша ҳужжатларнинг ўзи «жамият» ҳаётининг «шахсий» ҳаётдан фарқини аниқ чегараламайди. Дарҳақиқат, мазкур соҳалар қисман бир-бирига мос келиши мумкин. Бу, масалан, шахслар ёлғиз ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ўз хусусий ахборот воситалари ёки мактабларини тузишга уринган ҳолларда бўлиши мумкин. Шахсий ташаббус сифатида бошланиши мумкин бўлган нарса қонуний давлат манфаатига асос бўлиб қолиши мумкин. Бундай манфаат қайсидир даражада давлат томонидан тартибга солинишига олиб бориши мумкин.

Таълимга таянмасдан туриб миллий озчиликларга мансуб шахслар «шахсий ва ижтимоий ҳаётда» ўз тилларидан фойдаланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим масалаларининг миллий озчиликлар тилларига тааллуқли бўлган жиҳатлари Миллий Озчиликларнинг Таълим Ҳуқуқлари бўйича Гаага тавсияларида батафсил кўриб чиқилган. Мазкур тавсиялар Этник гуруҳлараро муносабатлар Жамғармаси томонидан инсон ҳуқуқлари ва таълим соҳасида халқаро миқёсда машҳур бўлган экспертлар билан ҳамкорликда, Миллий Озчиликлар бўйича ЕХҲТ Бош Комиссарига ёрдам сифатида ишлаб чиқилган. Гаага тавсиялари миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг шу

соҳадаги ҳуқуқларига алоқадор бўлган халқаро ҳужжатларни яна ҳам аниқ тушунишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у миллий озчиликларга мансуб шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ўзлигини ривожлантиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатларда қайд этиладиги, инсон ҳуқуқлари умумбашарий бўлиб, улардан тенг ва камситишсиз фойдаланилиш керак. Бироқ инсон ҳуқуқларининг аксарияти чексиз эмас. Ҳужжатлар баъзи вазиятларда давлат томонидан муайян ҳуқуқларнинг чекланишини оқлаш мумкинлигини кўзда тутди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ йўл қўядиган чеклашлар ҳаётга хавф солувчи ҳолатларда, бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига таҳдид солинаётган вазиятларда, ёки демократик жамиятда ижтимоий ахлоқ, жамият саломатлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий муҳофазага таҳдид солувчи вазиятларда амалга оширилиши мумкин². Эркинликларнинг чекланиши инсон ҳуқуқлари соҳасида чекланган тарзда талқин қилиниши лозим.

Миллий озчиликларнинг лисоний ҳуқуқлари бўйича Осло тавсияларида баён этилган ва тафсилотлари келтирилганидек, миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўз тилларидан ижтимоий ва шахсий ҳаётда фойдаланиш ҳуқуқларига кенгроқ жамиятдаги тўлиқ иштирокининг мутаносиблиги нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Тавсиялар яккаланган ёндашувни таклиф қилмайди, аксинча, миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўз хусусиятлари, маданияти ва тилини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳуқуқи билан тўла-тўқис ва тенг аъзолар сифатида кенг жамоатчиликка қўшилиш имкониятини уларга кафолатлаб бериш зарурати ўртасидаги мувозанатга кўмаклашишни таклиф қилади. Шу нуқтаи назардан бундай қўшилиш давлатнинг расмий тилини (тилларини) яхши билмасдан туриб амалга оширилиши эҳтимолдан анча узоқдир.

² Юқорида эслатиб ўтилган чекловлар масалан, қуйидаги низомларга киритилган:

Умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари Декларацияси 30-Модда

Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома, 19(3) – Модда

Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси Европа Конвенцияси, 10(2) – Модда

Шундай таълимга доир кўрсатмалар *Иқтисодий, Ижтимоий ва Мағаний Ҳуқуқлар бўйича Халқаро Шартноманинг* 13 ва 14-моддалари ва *Болалар ҳуқуқи бўйича Конвенциянинг* 28 ва 29-моддаларида акс эттирилган бўлиб, уларда таълим олиш ҳуқуқи белгиланган ва давлатга таълимни мажбурий қилиш вазифаси юклатилган. Айни вақтда *Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг* 14(3) моддасида *шу нарса кўзда тутиладики*, озчиликлар тилини ўрганиш «расмий тилни ўрганиш ёки шу тилда таълимга хилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак».

НОМЛАР

- 1) *Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг* 11(1) моддасида шу нарса таъкидланадики, миллий озчиликларга мансуб шахслар ўз исми, отасининг исми ва фамилиясидан ўз тилида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бундай ҳуқуқдан фойдаланиш инсоннинг ўзига хослиги учун беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган вазиятлар доирасида қўлланилиши зарур. Масалан, давлат ҳокимияти органлари томонидан миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг исmlарини уларнинг фонетик шаклида ёзиш учун расмий тилни ёки тилларни қўллаш тизимини оқлаш мумкин. Бироқ бу тегишли миллий озчиликнинг тили ва анъаналарига мувофиқ тарзда амалга оширилиши керак. Шахсларнинг ҳам тили билан, ҳам ўзлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган ана шу асосий ҳуқуқдан келиб чиққанда, давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларининг ҳақиқий ёки авлодлари исмидан (исmlаридан) воз кечишга мажбур қилинган ёки исми (исmlари) ўзларининг хоҳишларига қарши ўзгартирилган шахслар уларни бирон-бир харажатларсиз қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.
- 2) Номлар айниқса «жамоа» сифатида фаолият юритаётган миллий озчиликларга мансуб шахслар ўртасида умумий ўзига хосликнинг муҳим қисмидир. *Миллий ёки Этник, Диний ва Лисоний Озчиликларга мансуб Шахслар*

Хуқуқлари тўғрисидаги БМТ Декларациясининг 2(1)- моддаси миллий озчиликларга мансуб шахсларга «ўз тилларидан шахсий ва ижтимоий ҳаётда эркин ва монеликсиз ёки бирон-бир турдаги камситишсиз фойдаланиш» ҳуқуқини эълон қилади. **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг 10(1)-**моддасида айтилишича, давлатлар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг «ўз озчилик вакилларининг тилидан шахсий ва ижтимоий ҳаётда оғзаки ва ёзма тарзда эркин ва бетўсиқ фойдаланиш» ҳуқуқини тан олишади. **Фуқаролик ва Сиёсий Хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг 27-**Моддаси шуни эълон қиладики, «миллий озчиликларга мансуб шахсларга уларнинг гуруҳидаги бошқа аъзолар... билан биргаликда ўз тилларидан фойдаланиш ҳуқуқини рад этиш мумкин эмас». Инсоннинг ижтимоий ҳаётда, бошқалар билан биргаликда ва бирон-бир аралашувсиз ёки камситишнинг бирор шаклисиз ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқи шуни яққол кўрсатадики, миллий озчиликларга мансуб шахслар таъсис этган ва бошқарадиган муассасалар, уюшмалар, ташкилотлар ёки корхоналар сингари юридик шахслар ўз хоҳишларига кўра миллий озчиликнинг тилида ном олиш ҳуқуқига эгадир. Бундай умумий ном давлат ҳокимияти органлари томонидан эътироф этилиши ҳамда мазкур гуруҳнинг лисоний тизими ва анъаналарига мувофиқ фойдаланилиши зарур.

- 3) **Асосий Конвенциянинг 11(3)-**Моддасида белгиланишича, «миллий озчиликларга мансуб шахслар анъанага кўра кўп сонда яшайдиган туманларда, Томонлар... анъанавий маҳаллий номлар, кўча номлари ва бошқа топографик номларнинг кўрсаткичларини аҳоли учун миллий озчиликнинг тилида ўрнатишда, шундай кўрсаткичларга етарлича талаб бўлган тақдирда, куч-ғайрат сарфлашлари керак». Баён этилган тусдаги тарихий номларнинг қонунийлигини тан олишдан бош тортиш тарихни ўзгартириш ва миллий озчиликни ассимиляция

қилишга уринишни вужудга келтириши, ва шу тариқа миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўзлиги учун жиддий хавф-хатар туғдириши мумкин.

ДИН

- 4) **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 27-Моддаси шуни тасдиқлайдики, «этник, диний ёки лисоний миллий озчиликлар яшовчи давлатларда, мазкур миллий озчиликларга мансуб шахсларга уларнинг гуруҳидаги бошқа аъзолар... билан биргаликда ўз динига эътиқод қилиш ва амал қилиш ёки ўз тилларидан фойдаланиш ҳуқуқини рад этиш мумкин эмас». **Миллий ёки Этник, Диний ва Лисоний Озчиликларга мансуб Шахслар Ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Декларациясининг** 3(1)-моддаси шуни таъкидлайдики, «миллий озчиликларга мансуб шахслар якка ҳолда ва ўз гуруҳларидаги бошқа аъзолар билан биргаликда бирон-бир турдаги камситилишларсиз ўз ҳуқуқларидан фойдалана олишади».

Диний эътиқод ва унга «жамоа бўлиб» амал қилиш миллий озчиликларнинг кўплаб вакиллари учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш керакки, инсоннинг ўз динига бўлган ҳуқуқи чексиздир ва бу **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 18(1)-Моддаси билан ҳамда **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенцияси** 9(1)-моддаси билан кафолатланган. Бироқ ўз дини ва эътиқодини изҳор этиш, шу жумладан оммавий тарздаги ибодатлар ўтказиш эркинлиги юқоридаги моддаларнинг қўшимча бандларида бир қатор чекланишларга дуч келади. Бундай чеклашлар қонунда белгиланган бўлиши ва жамоат хавфсизлиги, саломатлиги, тартибот, маънавиятини ҳимоя қилишга ҳамда бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга тааллуқли бўлиши мумкин. Улар оқилона бўлиши ва қўйилган мақсадларга

мос келиши керак ва давлатлар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг қонуний маънавий, лисоний ёки маданий интилишларини қисув йўлига ўтмасликлари лозим.

Озчиликлар ўртасида динга амал қилиш кўпинча ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Жамоа бўлиб ибодат қилиш вақтида миллий озчиликнинг тилидан фойдаланиш ҳуқуқи диний ташкилотларни таъсис этиш ҳуқуқи ва жамоа бўлиб ибодат қилиш ҳуқуқи сингари ажралмас ҳуқуқдир. Бинобарин, давлат ҳокимияти органлари жамоа бўлиб ибодат қилишга ҳам, жамоа бўлиб ибодат қилиш вақтида исталган тилдан фойдаланишга ҳам, хоҳ у тегишли миллий озчиликларнинг тили бўлсин ёки мазкур гуруҳ фойдаланадиган ибодат тили бўлсин, бирон-бир ноқонуний чекловларни жорий этмасликлари керак.

- 5) Баъзи мамлакатларда тўй ёки жаноза сингари диний маросимлар ҳам фуқаролик мақомини белгиловчи қонуний фуқаролик далолатномаси ҳисобланади. Бундай ҳолларда жамоатчилик манфаатлари эътиборга олиниши керак. Маъмурий мулоҳазалар билан инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслик тамойилини ёдда тутиб, давлат ҳокимияти органлари диний гуруҳларга нисбатан ҳеч қандай лисоний чекловларни жорий этмаслиги лозим. Бу қоида эса диний гуруҳлар ўз зиммасига оладиган ва ваколатларнинг фуқаролик доирасига тўғри келадиган ҳар қандай маъмурий вазифаларга нисбатан тенг равишда қўлланилади. Бироқ давлат ўзининг қонуний бошқарувчилик ва маъмурий вазифаларини бажара олиши учун диний жамоалардан ваколатга эга бўлган қонуний фуқаролик ҳужжатларини расмий давлат тилида ёки тилларида юритишни талаб этиши мумкин.

ЖАМОАТ ҲАЁТИ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

- 6) Миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг жамоадаги ҳаёти, уларнинг «жамоа» бўлиб олиб борадиган ишлари, халқаро ҳужжатларда белгилаб берилганидек, кўпдан-кўп фаолиятда ва интилишлар соҳасида ўз ифодасини топади. Уларнинг нодавлат ташкилотлари, уюшмалари ва муассасаларининг мавжудлиги ҳам бунинг яққол кўринишидир, бундай ташкилотларнинг борлиги одатда уларнинг ўзига хосликларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳимдир ва умуман олганда эса фойдали ҳамда давлатларда фуқаролик жамиятини ва демократик кадриятларни ривожлантиришга кўмаклашади деб ҳисобланади.

Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг 21 ва 22-моддалари ҳамда **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенцияси** 11-моддаси шахсларнинг тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар эркинлиги ҳуқуқларини кафолатлайди. Шахсларнинг «жамоада» ўз гуруҳларидаги бошқа аъзолар билан биргаликда ҳаракат қилиш ҳуқуқи — уларнинг ўз хусусий нодавлат ташкилотлари, уюшмалари ва муассасаларини таъсис этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқи — очик ва демократик жамиятнинг белгиларидан биридир. **Шартноманинг** 27-моддасида «озчиликларга мансуб шахслар гуруҳидаги бошқа шахслар билан бирга..ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди». Шу сабабли, одатда, давлат ҳокимияти органлари «жамоада иш кўрадиган» шундай ташкилотларнинг ички ишларига аралашмасликлари ва уларга халқаро ҳуқуқда йўл қўйилишидан ташқари, ҳеч қандай чеклашларни жорий этмасликлари керак. **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг** 17(2)-Моддаси шу тариқа давлатга «миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳам миллий, ҳам халқаро даражалардаги ноҳукумат ташкилотларнинг

фаолиятида қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишларига тўсқинлик қилмаслик» вазифасини юклайди.

Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг 2(1)- моддасида қайд этилишича, ҳар бир давлат «ўз ҳудудида истиқомат қилаётган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг мазкур **Шартномада** эътироф этилган ҳуқуқларини, масалан... тилдаги фарқларга кўра чекловларсиз кафолатлашни», ўз зиммасига олади. Ана шу меъёрга мувофиқ, давлатлар тилга асосланиб нодавлат ташкилотларни камсита олишмайди ва уларга тилларига нисбатан ҳеч қандай оқлаб бўлмайдиган талабларни қўя олишмайди. Бунда давлат ҳокимияти органлари шундай ташкилотлар, уюшмалар ва муассасалар қонуний жамоат манфаатлари асосида ички қонунчилик талабларига мос келишларини, шу жумладан давлат органлари билан ҳамжиҳатликни талаб этадиган вазиятларда расмий давлат тилидан (тилларидан) фойдаланишни талаб қилишлари мумкин.

Ресурсларга келганда, **Копенгаген Хужжатининг** 32.2-банди шуни тасдиқлайдики, миллий озчиликларга мансуб шахслар «ихтиёрий молиявий ва бошқа бадалларни, шунингдек миллий қонунчиликка мувофиқ, давлатдан мадад сўрашга қодир хусусий таълим, маданий ва диний муассасаларни таъсис этиш ва қўллаб-қувватлаш» ҳуқуқига эгадир. Бинобарин, давлатлар ушбу ташкилотларга давлат бюджетидан ва халқаро манбалардан, шунингдек хусусий сектордан молиявий маблағларни излаб топишда тўсқинлик қилмасликлари керак.

- 7) Бошқа соҳалар қатори, ижтимоий, маданий ва спорт соҳаларида нодавлат ташкилотларининг давлат томонидан молияланишига келганда, тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойилларининг қўлланилиши учун давлат ҳокимияти органлари ўз чегараларида истиқомат қилаётган миллий

озчиликларнинг тилида амалга оширилаётган шундай фаолиятни молиялашга тегишли улуш беришлари талаб этилади. Бу ўринда **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 2(1)-моддасида шахслар билан муомалада тил асосида фарқлаш тақиқланиши таъкидланибгина қолмай, шу билан бирга 2(2)-моддада қайд этиладиги, давлатлар «...Шартномада эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган қонунларни ва бошқа чораларни қабул қилиш учун зарур тадбирларни кўриши лозим». Бундан ташқари, **Ирқий Камситишни Тугатиш тўғрисидаги Халқаро Конвенциянинг** (бу конвенция ирқий белгилар, тери ранги, насли ёки миллий ёхуд этник келиб чиқишига асосланиб, ҳар қандай фарқлаш, яқкалаш, чеклашлар ёки устунлик берилишини тугатишга қаратилган). 2(2)-моддаси талабига кўра, «қатнашчи давлатлар, вазият шуни тақозо этганда, муайян ирқий гуруҳлар ёки уларга тегишли шахсларнинг лозим даражада тараққиёти ва муҳофазасини таъминлаш мақсадида, уларнинг инсон ҳуқуқларидан ва асосий эркинликларидан тўлиқ ва тенг фойдаланишларини кафолатлаш учун ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда алоҳида ва муайян чоралар кўришлари керак». Модомики, тил юқорида айтиб ўтилган Конвенция билан ҳимояланувчи этник мансубликнинг белгиловчи мезони экан, озчиликнинг тилида сўзлашувчи гуруҳлар ҳам «алоҳида ва муайян чоралар» кўрилиши ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин.

Европа даражасида **Копенгаген Ҳужжатининг** 31-бандига кўра, «давлатлар, зарур ҳолларда, миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлардан фойдаланиш ва уларни қўлланишда бошқа фуқаролар билан тўлиқ тенглигини таъминлаш учун алоҳида чоралар кўришади». **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг** 4-моддаси 2-банди қатнашчи давлатлар зиммасига «зарур ҳолларда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида миллий

озчиликлар вакилларининг кўпчиликка мансуб шахслар билан тўлиқ ва амалий тенг бўлишларига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўриш» вазифасини юклайди; худди шу Модданинг 3-банди кейинроқ шуни аниқлаштирадики, «2-бандга мувофиқ кўрилган чоралар камситувчи ҳаракат деб ҳисобланмаслиги керак». Бундан ташқари, **Минтақавий ва Озчиликлар Тиллари тўғрисидаги Европа Хартиясининг 7(2)-моддасига** кўра, «минтақавий ва озчиликлар тиллари равнақи учун шундай тиллардан фойдаланувчилар билан қолган аҳоли ўртасида тенгликка кўмаклашишга қаратилган ёки уларнинг алоҳида вазиятларини эътиборга олувчи алоҳида чораларнинг қабул қилиниши янада кенг ишлатилувчи тилларда сўзловчиларга қарши камситувчи ҳаракат деб ҳисобланмайди». Шу боисдан бу ўринда давлат ҳокимияти органлари миллий озчиликлар вакилларининг бошқа соҳалар қатори, ижтимоий, маданий ва спорт соҳаларидаги фаолияти учун давлат бюджетидан ресурсларнинг адолатли улушини беришлари керак. Бундай мадад субсидиялар бериш, давлат имтиёзлари тарзида ва солиқлардан озод қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

- 8) **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** ўз фикрига эга бўлиш ва ифода этиш ҳуқуқини кафолатловчи 19-моддаси демократик жамиятларда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнига доир тавсияларнинг муҳим манбаидир. 19(1)-модда «ҳар бир инсон ўз фикрини тўсқинликсиз билдириш» ҳуқуқига эгалигини кўзда тутган бир пайтда, 19(2)-модда ҳар бир кишига «ҳар қандай турдаги ахборотни ва ғояларни чегараларга қарамай, оғзаки, ёзма ёки босма кўринишида, бадий шаклда, ёки ўзи истаган воситалар орқали излаб топиш, олиш ва бериш» эркинлигини кафолатлайди. **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги**

Европа Конвенцияси 10-моддаси шу тарзда ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди. Европа Кенгашига аъзо давлатлар **Ахборот ва Ифодалаш Эркинлиги тўғрисидаги Декларацияси** 1-моддасида «демократик ва плюралистик жамиятнинг асосий таркибий қисми сифатида ахборот ва ифодалаш эркинлиги тамойилларига содиқ эканликларини» такрорлашди. Давлатлар худди шу ҳужжатда « ... ахборот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигини акс эттиришга имкон берувчи мустақил ва мухтор ахборот воситалари турлиликка эришишга интилишларини» эълон қилишди.

Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг 9(1)-моддасида, миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг «миллий озчиликлар тилида давлат ҳокимияти органлари томонидан тўсиқларсиз ва чегаралардан қатъи назар, ўз фикрларини ифодалаш, ахборот ва ғояларни олиш ва тарқатиш» эркинлиги яққол белгиланган. Кейинроқ, шу қонуннинг ўзида давлатларга «ўз ҳуқуқий тизимлари доирасида миллий озчиликларга мансуб шахслар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда камситилмаслигини кафолатлаш» вазифаси юкланган. **Асосий Конвенциянинг** 9(3)-моддаси давлатлардан «миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг босма ахборот воситаларини яратиш ва фойдаланишида тўсқинлик қилмасликни» талаб қилади. Шу модданинг ўзида «қонуний радио ва теледастурлар доирасида.. [давлатлардан] имкони борича миллий озчиликларга мансуб шахсларга ўз ахборот воситаларини тузиш ва фойдаланиш имкониятини кафолатлаш» талаб қилинади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, ахборот воситалари **Копенгаген Ҳужжатининг** 32.2-бандида кўзда тутилган турдаги ташкилотларнинг таркибий қисмлари бўлиши мумкин, яъни мазкур ҳужжатда миллий озчиликлар вакилларининг «хусусий таълим, маданий ва диний муассасаларини, ташкилотларини ва уюшмаларини... тузиш ва юргизиш» ҳуқуқи таъминланади. Ахборот

воситалари ушбу шаклда аниқ эслатилмаган бўлсада, улар тил, маданият ва ўзига хосликни сақлаб қолиш ва уларга кўмаклашишда кўпинча муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий озчиликларга мансуб шахслар хусусий ахборот воситаларини тузиш ва юргизиш ҳуқуқига эга эканликларига шубҳа бўлмасада, бундай ҳуқуқлар халқаро ҳуқуққа кўра ҳамда давлатларнинг ахборот воситаларини тартибга солишга доир шундай қонуний талаблари билан белгиланган тарзда чекланиши ҳам аниқдир. **Асосий Конвенциянинг** 9(2)-моддасида бунга ойдинлик киритилади, яъни **Конвенциянинг** 9(1)-моддасида белгиланган ифодалаш эркинлиги «Томонларнинг қонуний телерадиодастурлар ёки кино корхоналарини камситишларсиз ва холис мезонлар асосида лицензиялаш талабини бартараф этмаслиги керак». Тартибга солувчи талаблар, асосланган ва зарур бўлса ҳам, улардан мазкур ҳуқуқдан фойдаланишга қарши қўлланилиши мумкин эмас.

- 9) Жамоатчилик томонидан молияланадиган ахборот воситаларидан фойдаланиш масаласи фикрни ифодалаш эркинлиги тушунчаси билан чамбарчас боғланган. **Асосий Конвенциянинг** 9(1)-моддасига кўра «миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ифодалаш эркинлиги давлат аралашувисиз озчилик тилида ахборот ва ғоялар узатиш эркинлигини ўз ичига олади ва миллий озчиликларга мансуб шахслар ахборот воситаларидан фойдаланишларида камситилмаслиги зарур». **Асосий Конвенциянинг** 9(4)-моддасига кўра, «Томонлар миллий озчиликларга мансуб шахсларга ахборот воситаларидан фойдаланишларида кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўриши зарур». Бу эса кўп сонли миллий озчиликка жамоат радио ва/ёки теледастурларида тегишли озчиликнинг сонига қараб, уларнинг эфир вақтидан одилона улушда фойдаланиши ва ўз эфир улушига таъсир ўткази олиши зарурлигини билдиради.

Лекин ҳар бир миллий озчиликка ажратилиши лозим эфир вақти миқдорини белгилашда сон ва даража концентрацияси ягона мезонлар деб қаралмаслиги керак. Жамоалар кичик бўлган тақдирда шу кичик жамоа ахборот воситаларидан етарлича фойдалана оладиган даражада вақт ва маблағ ажратилиши лозим.

Бундан ташқари, озчилик учун ажратиладиган дастурлар вақтининг қулайлиги масаласига оқилона, камситмаслик асосида ёндашиш лозим. Озчиликнинг тилидаги дастурлар учун ажратилган вақт миллий озчиликларга мансуб шахслар учун ўз тилларидаги дастурлардан анчагина фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак. Шу сабабли давлат органлари ушбу дастурлар куннинг мақбул вақтида трансляция қилинишини кафолатлаши керак.

- 10) Очиқ ва демократик жамиятда ахборот воситалари дастурларининг мазмуни давлат ҳокимияти органлари томонидан қаттиқ цензурага учрамаслиги лозим. Бу жиҳатдан **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 19(1)-моддасида ва **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг** 10(1)-моддасида кафолатланган фикр ифодалаш эркинлиги муҳимдир. Давлат органлари томонидан жорий этилувчи ҳар қандай чекловлар **Шартноманинг** 19(3)-моддасига мувофиқ бўлиши керак, унга кўра, бундай чекловлар «фақат қонунда белгиланганидек ва а) бошқа шахсларнинг ҳурмати ва обрў-эътибори учун; б) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартиби, ёки соғлиқни сақлаш ва маънавиятни ҳимояси учун зарур бўлиши лозим». **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг** 10(2)-моддасида давлат органларининг ифодалаш эркинлигига ҳар қандай аралашувида қарийб бир хил чеклашлар бўлиши шарт қилиб қўйилган.

Миллий озчилик томонидан ёки уларнинг номидан ишлаб чиқилган жамоат ахборот воситаларининг дастурлари жамоа аъзоларининг манфаат ва истакларини акс эттириши ва улар томонидан мустақил деб қаралишини таъминловчи воситалар жорий этилиши зарур. Бу ўринда миллий озчиликлар вакилларининг (хусусий шахслар сифатида иш кўрувчи) таҳрир жараёнидаги иштироки ахборот воситаларининг мустақил тусдалигини сақлаш ва хизмат кўрсатилувчи жамоалар эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамият касб этган бўлади.

Тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойилига мувофиқ, давлат муассасаларининг таркиби ўзлари хизмат қилувчи аҳолини акс эттириши лозим. Бу эса жамоат оммавий ахборот воситаларига ҳам тегишлидир. **Асосий Конвенциянинг** 15 моддасига мувофиқ, «давлатлар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг айниқса уларга тааллуқли маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ва давлат ишларида иштироки учун шароит яратишга масъулдир». **Меҳнат Ташкилотининг Иш ва Касб асосига Камситишлар тўғрисидаги 111-сонли Халқаро Конвенциясининг** 2-Моддаси давлатларга «...иш ва касбга нисбатан ҳар қандай камситишларни тугатиш мақсадида имкониятлар ва муносабатлар тенглигига кўмаклашишга мўлжалланган миллий сиёсатни ўтказиш» мажбуриятларини янада аниқ юклайди. Миллий озчиликлар вакилларини ахборот воситаларида ишга камситмасдан қабул қилиш оммавий ахборот воситаларининг обрў-эътиборига ва ҳолислигига ҳисса қўшади.

- 11) **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 19(2) моддаси ва **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенциянинг** 9(1) моддаси руҳига ҳамда камситишга йўл қўймаслик тамойилига мувофиқ, бошқа давлатдан ёки «қардош давлатдан» узатилаётган миллий озчиликлар мансуб

шахслар тилидаги дастурлар намойиши ушбу озчиликлар истиқомат қилаётган давлатнинг оммавий ахборот воситаларида озчиликлар учун ажратилган дастур вақти қисқартирилишини оқламаслиги лозим.

Жадал техникавий тараққиёт жараёнида чегаралароша ахборот ва оммавий ахборот воситалари тармоқларига кириш ахборотга бўлган ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бинобарин, кабель лицензиялари берилишида, масалан, қардош давлатда жойлашган телевизион ёки радио станцияни лицензиялашдан, мазкур станциялардан фойдаланиш истаги тегишли миллий озчилик томонидан аниқ ифода этилган пайтда давлатнинг бош тортишига йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқ кабелли ахборот воситаларигина эмас, балки миллий озчиликлар тилидаги электрон ахборот тармоқларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Европа Кенгашига аъзо бўлган давлатлар умумий даражада **Ифодалаш ва Ахборот Эркинлиги тўғрисидаги Декларациянинг** Ш(с)-моддасида «ахборотнинг эркин оқимида кўмаклашишга, шу тариқа халқаро ҳамфикрлик, эътиқод ва анъаналарни яхшироқ билиб олишга, фикрлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва маданиятларнинг ўзаро бойишига ҳисса қўшишга» қарор қилишди. Чегаралароша ахборот воситаларининг ўзаро алоқасига келганда эса, давлатлар ўз сиёсатларини ана шу қоида руҳига мослаштиришлари керак.

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

- 12) Халқаро ҳужжатларда миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқлари кам ёритилади. Бироқ, халқаро ҳужжатларда миллий озчиликлар вакилларининг ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўз тилларидан эркин ва бирор камситишсиз, оғзаки ва ёзма шаклда, якка ҳолда ва бошқалар билан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқларига ҳаволалар мавжуд. **Фуқаролик**

ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг 19(2)-Моддаси ва *Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг* 10(1)-моддасида бошқаларга хабар қилиниши мумкин бўлган ғоя ва фикрларгина эмас (яъни алоқанинг мазмуни), шу билан бирга алоқа воситаси сифатида тилга нисбатан ҳам ифодалаш эркинлигини кафолатлайди. Бундай ҳуқуқлар тенглик ва камситмаслик ҳуқуқи билан биргаликда миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўзлари истаган тилда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини ҳам кўзда тутди. Хусусий тадбиркорлар учун ўз миқозлари билан самарали мулоқотда бўлиш ва ўз ташаббусларини одилона шароитда амалга ошириш ниҳоятда муҳим бўлганлиги боис, уларнинг тилни эркин танловида ноқонуний чеклашлар бўлмаслиги керак.

Асосий Конвенциянинг 11(2)-моддаси шуни шарт қилиб қўядики, «миллий озчиликларга мансуб барча шахслар ўз озчиликлар тилида омма учун лавҳалар, ёзувлар ва хусусий тусдаги бошқа ахборотни жойлаштириш ҳуқуқига эга». *Асосий Конвенцияда* «хусусий тусдаги» ибораси расмий бўлмаган ҳамма нарсага тааллуқли деб ҳисобланади. Бинобарин, давлат хусусий тадбиркорлик бошқарувида тил танловига ҳеч қандай чеклов жорий этмайди.

Шунга қарамай, давлатлар бошқалар ҳуқуқларига таъсир этувчи ёки жамоат органлари билан мулоқот ва алоқа қилиш зарур бўлган иқтисодий секторларда расмий тил(лар) қўлланилишини талаб қилиши мумкин. Бу *Фуҳаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг* 19(3) Моддаси ва *Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг* 10(2)-моддаларида белгиланган. Лекин юқорида тилга олинган моддалардаги чекловлар фақат мулоқот таркибига нисбатан чекловни оқлаши мумкин бўлсада, тилдан мулоқот воситаси

сифатида фойдаланишга тақиқларни ҳеч қачон оқлай олмайди. Лекин бошқаларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси ва давлат бошқаруви талаблари расмий тил ёки давлатнинг бошқа тиллари қўлланилишини оқлаши мумкин. Бу иш жойида саломатлик ва хавфсизлик, истеъмолчилар муҳофазаси, меҳнат муносабатлари, солиқ, молиявий Ҳисобот, давлат соғлиқ ва ишсизлик суғуртаси, ва транспорт каби соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги **Асосий Конвенцияга Изоҳий Ҳисоботнинг** 60-моддасида белгиланганидек, жамият манфаатлари нуқтаи назаридан Давлат бирор тилга қўшимча равишда белгилар ва ёрлиқлар каби тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг расмий тили ёки тиллари қўлланилишини талаб қилиши мумкин. Индаллосида, давлат тилдан фойдаланишни тақиқлаши мумкин эмас, фақат қонуний жамият манфаатларига мувофиқ давлатнинг расмий тил(лар)идан фойдаланишни жорий этиши мумкин.

Жамият манфаатлари мантиқидан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан белгиланган тилдан фойдаланиш тўғрисидаги талаблар жамият манфаатларига мутаносиб бўлиши зарур. Белгиланувчи талабнинг мутаносиблиги унга эҳтиёж билан баҳоланади. Масалан, иш жойида соғлиқ ва хавфсизлик масалаларида давлат корхонада ишлатилувчи тилга қўшимча равишда давлат расмий тил(лар)ида хавфсизлик белгиларини ўрнатишни талаб қилиши мумкин. Шу тарзда солиқ масалаларига нисбатан давлат бошқаруви манфаатлари нуқтаи назаридан давлат маъмурий ҳужжатларни давлатнинг расмий тили ёки тилларида топширилиши ва давлат органлари текшируви давомида тегишли ҳужжатларни давлат расмий тили ёки тилларида топширилишини талаб қилиши мумкин. Бу чора корхоналардан барча ёзувлар давлат расмий тили ёки тилларида бўлишини талаб қилмайди, лекин зарур ҳолларда уларни таржима қилиш хусусий корхона мажбуриятидир. **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенция** 10(2)-моддасига кўра миллий озчиликларга мансуб

шахсларнинг маъмурий органлар билан алоқасида ўз тилларидан фойдаланиш ҳуқуқини чекламайди.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

13/14/15) ЕХХТга аъзо давлатлар миллий озчиликлар вакилларининг ўзлигини (шу жумладан уларнинг тилини сақлаб қолиш учунгина эмас, шу билан бирга уларнинг тараққиёти ва равнақи учун ҳам қулай ва жўшқин муҳитни яратишга қаратилган чораларни кўриш мажбуриятини олишган. Бунинг натижаси ўлароқ, мазкур давлатлар **Копенгаген хужжатининг** 35-бандида қайд этилганидек, «миллий озчиликлар вакилларининг давлат ишларида амалда иштирок этиш» ҳуқуқини ҳурматлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олишган. **Миллий Озчиликлар Муҳофазаси тўғрисидаги Асосий Конвенция** 10(2)-моддасида давлатлардан «маъмурий органлар билан муносабатларда озчиликлар тилларидан фойдаланиш имконини яратиш» аниқ талаб этилади. **Копенгаген хужжатининг** 35-банди ҳам «мазкур давлатларнинг сиёсатига мувофиқ, озчиликнинг тарихий ва ҳудудий ҳолатларига мувофиқ қулай маҳаллий ёки мухтор маъмуриятларни» таъсис этган ҳолда миллий озчиликлар ўз тилларида давлат ишларида қатнашишига рағбатлантирувчи муҳитни яратиш имкониятига таянади. **Асосий Конвенциянинг** 15-моддаси давлатлар зиммасига «миллий озчиликларга мансуб шахслар маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда, шунингдек айниқса ўзларига тааллуқли бўлган давлат ишларида амалда иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратиш» мажбуриятини юклайди. Бундай қоидалар давлат ҳокимияти органларига миллий озчиликларга мансуб шахсларга маҳаллий маъмурлар билан ўз тилида иш олиб боришда ёки фуқаролик сертификатларини ва аттестатларни ўз тилида олишда имконият бериш мажбуриятини юклайди. Мазкур қоидалар тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойилларига мувофиқ, умумий жўшқин муносабатларни ҳам кўзда тутаяди, яъни

бунда маҳаллий сиёсий ҳаётда ва фуқаролар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатда, шунингдек давлат хизматлари билан таъминлашда озчиликнинг тили тўлақонли мулоқот воситаси бўлиши мумкин.

Аҳолига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган маъмурий муассасалар ва агентликларда турли этник гуруҳлар вакиллари мавжудлиги одатда камситишга барҳам берилган плюралистик ва очиқ жамиятнинг белгисидир. Ўтмишдаги ёки ҳали ҳам тизим ичида мавжуд бўлган камситилиш оқибатларига қарши кураш учун ***Меҳнат Ташкилотининг Иш ва Касб асосида Камситишлар тўғрисидаги 111-сонли Халқаро Конвенциясининг 2-моддасида*** давлатлардан «ҳар қандай камситишларни тугатиш мақсадида ...иш ва касбга нисбатан имкониятлар ва муносабатлар тенглигига кўмаклашишга мўлжалланган миллий сиёсатни ўтказишни» талаб этилади.

Халқ хизматига мўлжалланган дастурларни ва хизматларни ишлаб чиқиб ва амалга ошира бориб, давлатлар юқорида баён этилган тамойилларга содиқ бўлган ҳолда миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг истакларини, миқдорий асосланганлик тамойилларини эътиборга олишади деб кутиш адолатлидир. Эҳтиёж баён этилган ва сон етарли бўлган тақдирда адолат шунини талаб қиладики, миллий озчиликларга мансуб шахслар бўлмиш солиқ тўловчилар хизматлардан ўз тилларида ҳам фойдалана олишлари керак. Бу талаб одамларнинг турмуш сифатига бевосита ва муҳим даражада таъсир ўтказувчи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат соҳаларига айниқса тааллуқлидир.

Тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойилларига мувофиқ, маъмурий органлардан миллий озчиликларга мансуб шахслар билан кенг қамровли ва тенг даражада мулоқотда бўлиш кутилади. Давлатлар ўз юрисдикциялари остида бўлган ҳудудларнинг ҳақиқий демографик хусусиятларини тан олишлари керак.

Бундан ташқари, давлатлар ҳудудларнинг демографик вазиятини ўзгартириш йўли билан ўз мажбуриятларини бажаришдан қочишга уринмасликлари керак. **Асосий Конвенциянинг айниқса** 16-моддаси давлатларга миллий озчиликларга мансуб шахслар истиқомат қиладиган ҳудудларда мазкур озчиликлар ҳуқуқларини чеклаш мақсадида аҳолининг нисбатини ўзбошимчалик билан ўзгартириш чораларидан тийилиш мажбуриятини юклайди. Бундай чоралар маъмурий чегараларни ўзбошимчалик билан ўзгартириб юбориш ва аҳолини рўйхатга олишда найрангбозлик қилиш, шунингдек ўзбошимчалик билан мусодара қилиш, кўчириб юбориш, сургун қилишлардан иборат бўлиши мумкин.

МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ МУАССАСАЛАР

- 16) Давлат ҳокимияти органлари халқаро конвенция ва декларациялар ёки ички қонунчиликда кафолатланган ҳуқуқларни амалда рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини жорий этгандагина, инсон ҳуқуқлари ким учун мўлжалланган бўлса, шулар учун ҳақиқий аҳамият касб этади. Суд тартиботларига қўшимча равишда, мустақил миллий муассасалар бу ҳуқуқларни одатда бирмунча тезроқ, арзонроқ ва ва қулайроқ воситалар билан таъминлашади.

Ирқий Камситишни Тугатиш тўғрисидаги Конвенцияга тилга олинган камситиш ибораси фақат ирққа даҳддор бўлган мезонга кўра олинмаган. **Конвенциянинг** 1(1)-моддасида ирқий камситиш тушунчаси «ирқи, териси ранги, насли ёки миллий ёҳуд этник келиб чиқиши асосида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда ёки ижтимоий турмушнинг исталган бошқа соҳасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тенг равишда тан олишни, улардан фойдаланишни ёки улар қўлланишини тугатиш ёки сусайтириш мақсадини кўзловчи ёки шу мақсаддаги ҳар қандай фарқлаш, истисно, чеклов ёки

устунликлар»ни англатиши зарур. **Конвенциянинг 6-Моддаси** шуни шарт қилиб қўядики, «қатнашчи давлатлар ўз юрисдикцияси остида бўлган ҳар бир инсонга уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мазкур Конвенцияга... зид равишда поймол этадиган ирқий камситишнинг ҳар қандай хуружидан ваколатли миллий суд органлари ва бошқа давлат ташкилотлари орқали амалда ҳимоя қилиши ва ҳимоя воситаларини кафолатлаши лозим». Бу ўринда давлатларнинг омбудсман ёки инсон ҳуқуқлари комиссияси сингари тузатиш ва компенсация механизмлари сифатида иш кўра оладиган мустақил миллий муассасаларни ташкил этиши давлат демократик ва плюралист тусда мавжудлиги учун кўрилган чорадир. Шунга мувофиқ, ва **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134-Резолюциясига** таянган ҳолда, Европа Кенгаши **Вазирлар Қўмитасининг 1997 йил 30 сентябрдаги R(97)14 сонли Тавсиясига** «инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ташкилотларни, жумладан ўз аъзолигида плюралистик инсон ҳуқуқлари комиссиялари, омбудсманлар ёки шунга ўхшаш ташкилотларни» тузишни қўллаб-қувватлади. Бундай тузатиш механизмларидан ўзларининг лисоний ва бошқа ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблайдиган миллий озчиликларга мансуб шахслар ҳам фойдалана оладиган бўлиши керак.

СУД ҲОКИМИЯТЛАРИ

17/18 Халқаро қонунчиликда айб қўйилиб, ҳибсга олинган ва тергов олиб борилаётган барча шахсларга ўзларига қўйилган айбловдан ва суд жараёнида ўзлари тушунадиган тилда хабардор бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш давлат ҳокимияти органларидан талаб этилади. Зарур ҳолларда уларга бепул таржимон берилиши керак. Тегишли ҳуқуқий тартиботнинг ушбу меъёри қўлланишда универсал бўлиб, миллий

озчиликнинг лисоний ҳуқуқларига тааллуқли эмас. Аниқроғи, қонун олдида тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойиллари асосий тамойиллардир. Жиноий айбловлар ва таъқиблар бўйича мазкур тамойилларга нисбатан ҳурмат айниқса муҳимдир. Бунинг оқибати ўлароқ, **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 14(3)-(а) моддаси шуни талаб қиладики, «жиноий жавобгарликда айбланаётган ҳар бир кимса ўзига қарши айбловнинг хусусиятлари ва асоси тўғрисида ўзи тушунадиган тилда тез ва батафсил хабардор бўлиши керак». **Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Конвенциясининг** 6(3)-(а) моддаси худди шу талабларни деярли бир хил тилда белгилайди. Бунга қўшимча равишда юқорида тилга олинган конвенциянинг 5(2)-моддаси ҳибсга олишга нисбатан ҳам худди шундай талабни кўяди. Бундан ташқари, **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 14(3)-моддаси ҳар бир кишининг «тўлиқ тенглик шароитида»... «(е) ўзига қарши далилларни ўрганиш ёки ўрганилган бўлишини ва ўзига қарши гувоҳларни олишга қўлланиладиган шартларда ўз топшириғи билан далиллар ва далиллар текширувини олиш» ҳуқуқини белгилайди. Шу муносабат билан, **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 14(3)-(f) моддаси ва **Минтақавий ва Озчиликлар Тиллари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Хартиясининг** 6(3)-(е) моддаси ҳар бир кишининг «агар у судда фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки шу тилда гапира олмаса, таржимоннинг бепул ёрдамидан фойдаланиш» ҳуқуқини таъминлайди. Тилдан фойдаланишга аниқ тааллуқли бўлган ана шу кафолатлар асосан жиноий жараёнларга нисбатан қўлланиладиган бир пайтда, **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартноманинг** 14(1)-моддасининг биринчи жумласида таъкидланганидек, судлар ва трибуналар олдидаги асосий тенглик кафолатидан шу нарса келиб чиқадики, ҳар қандай турдаги суд жараёни шарт-шароитлари қанчалик тенг

бўлса, улар шунчалик адолатли тарзда кўриб чиқилиши керак. Суд жараёни учун тилни танлашдаги тенгликка тааллуқли бўлган ушбу таъриф, умуман олганда, давлатни одил судловни тенг ва самарали тарзда амалга ошириш сиёсатини ривожлантиришга йўналтириши керак.

Минтақавий ва Озчиликлар Тиллари Муҳофазаси тўғрисидаги Европа Хартиясининг 7(1)-моддаси шуни янада кенг тарзда эълон қиладики, давлатлар ўз сиёсати, қонунчилиги ва амалиётида «минтақавий ва озчиликлар тилларини маданий бойликнинг... ифодаси сифатида тан олиш» ва «минтақавий тиллар ва озчиликнинг тилларини сақлаб қолиш мақсадида ушбу тилларга кўмакланиш учун қатъий хатти-ҳаракатларга эҳтиёж» каби мақсадлар ва тамойилларга асосланишлари керак. **Европа Хартиясининг 7(4)-моддаси** шуни шарт қилиб қўядики, «Томонлар минтақавий тиллар ва озчиликнинг тилларига... нисбатан ўз сиёсатини белгилашда шундай тиллардан фойдаланадиган гуруҳлар билдирган хоҳиш ва эҳтиёжларни эътиборга олиши керак». Боз устига, **Асосий Конвенциянинг 15-моддаси** давлатлар зиммасига «миллий озчиликларга мансуб шахслар маданий, ижтимоий ва иқтисодий турмушда, шунингдек айниқса уларга таъсир ўтказадиган давлат ишларида амалда иштирок этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш» мажбуриятини юклайди. Агар юқорида тилга олиб ўтилган меъёрлар демократик жамиятларда одил судловда амалда қатнашиш муҳимлигини эътиборга олиш билан бир вақтда назарда тутилса, бошқаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат сақланиб қолаётган ва суд жараёнларининг яхлитлиги, жумладан апелляция органлари орқали қўллаб-қуватланаётган бир пайтда давлатлар имкони борича миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг суд жараёнининг барча босқичларида (хоҳ у жинсий, фуқаролик ёки маъмурий иш бўлсин) ўз фикрларини ўз тилларида ифода этиш ҳуқуқини кафолатлашни мўлжаллаш оқилона иш бўлади.

- 19) Одил судлов инсон ҳуқуқларига эга бўлиш учун қанчалик муҳим ҳисобланса, инсоннинг мавжуд тартиботлардаги бевосита ва енгил иштироки даражаси шундай иштирок ўлчовининг муҳим мезонидир. Миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг тилида (тилларида) иш олиб борадиган суд тартиботларининг мавжудиги ўз-ўзидан, мана шундай шахсларнинг одил судловда бевосита ва бемалол иштирокини таъминлайди.

Ана шу асосда, *Минтақавий ва Озчиликлар Тиллари Муҳофазаси Европа Хартиясининг* 9-моддаси шунинг кўзда тутадигани, амалга ошириб бўладиган даражада ва дахлдор тарафлардан бирининг тегишли сўрови билан барча суд ишлари минтақавий ёки озчиликнинг тилида олиб борилиши керак. Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси *1201-Тавсияси* 7(3)-моддасида «миллий озчиликларнинг кўплаб вакиллари истиқомат қиладиган минтақаларда миллий озчиликлар маъмурий органлар билан муносабатларда ва судларда ҳамда юридик органлардаги жараёнларда ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари кераклиги» кўзда тутилади. Шунга мувофиқ, давлатлар суд органларига ишга ёллаш ва тайёргарлигига доир тегишли тартиб-қоидаларни қабул қилиши зарур.

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ

- 20) *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маҳбусларга нисбатан Муомала Минимал Стандарт Қоидаларининг* 51-Қоидаси, 1- ва 2-бандлари ҳамда *Европа Кенгашининг Европа Қамокхоналар тўғрисидаги Низомининг* 60-Қоидаси, 1- ва 2-бандларида маҳбуслар қамокхона маъмурияти уларнинг аҳволини тушунишига ҳақлилиги ҳамда маҳбуслар қамокхона маъмуриятини тушунишлари лозимлигининг муҳимлигини таъкидлайди. Мазкур қоидалар шундайлигича озчиликлар ҳуқуқларига тааллуқли эмас. Бироқ дахлдор шахсларнинг яққол истаги билан бир

қаторда, уларнинг сони ҳамда тенглик ва камситмаслик тамойилини эътиборга олганда, юқорида тилга олинган қоидалар миллий озчиликларнинг кўплаб вакиллари истиқомат қиладиган минтақа ёки жойларда яна ҳам муҳимдир.

- 21) ***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маҳбусларга нисбатан Муомала Минимал Стандарт Қоидаларининг 37-қоидаси ва Европа Кенгашининг Европа Қамоқхоналар тўғрисидаги Низомининг 43(1)-моддаси маҳбусларнинг ўз оилалари, муносиб дўстлар ва шахслар, ташқари ташкилотлар вакиллари билан мулоқотда бўлиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди. Инсоннинг фикр ифодалаш эркинлиги ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳаёт ҳамда шахсий ҳаётда ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқи муҳимлиги боисидан маъмурларга ана шу ҳуқуқларни қонунда белгиланган чеклашлар доирасида, ҳатто ахлоқ тузатиш муассасаларида ҳам ҳурмат қилиш вазифаси юклатилган. Одатда маҳбуслар бошқа ҳибсдагилар ва ташриф буюрувчилар билан ўз тилларида ҳам оғзаки, ҳам шахсий ёзишмалар орқали мулоқот имкониятига эга бўлишлари керак. Зотан, жиноий ишлари учун ҳибсга олинган шахсларнинг муайян ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний асосларда халқаро ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган чекловларга мувофиқ жамоат хавфсизлиги мулоҳазаларига кўра чекланиши ёки тўхтатиб қўйилиши мумкин. Амалиёт нуқтаи назаридан, қамоқдагиларнинг лисоний ҳуқуқлари ижросига кўмаклашиш учун энг афзали, одатда уларни ўз тиллари қўлланиладиган жойларда сақлашдир.***